

**ТАРИХЧИ ОЛИМ  
ФАРҲОД ҚОСИМОВ  
ЗАМОНДОШЛАР  
ХОТИРАСИДА**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ**

**ТАРИХЧИ ОЛИМ ФАРҲОД ҚОСИМОВ  
ЗАМОНДОШЛАР ХОТИРАСИДА**

**“Дурдона” нашриёти  
Бухоро – 2021**

*Ушбу китобда бутун умрини тарих илми ҳамда таълим-тарбия ривожига бахшида этган олим Фарҳод Ҳабибович Қосимов ҳақида ёзилган хотиралар жамланган. Бунда олимнинг маслакдошлари, сафдошлари, дўстлари, касбдошлари ва шогирдлари томонидан ёзилган хотиралар орқали Фарҳод Қосимовнинг инсонийлик фазилатлари, илмий фаолияти, раҳбарлик қобилияти кабилардан хабардор бўлиш мумкин.*

*Мазкур китоб барча китоб ихлосмандлари учун мўлжалланган.*

**Масъул муҳаррир:**

*Иноятов Сулаймон Иноятovich  
тарих фанлари доктори, профессор*

**Тақризчилар:**

*Қаҳрамон Кенжаевич Ражабов  
тарих фанлари доктори, профессор*

*Ойбек Расулович Рашидов  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент*

**Тўплаб нашрга тайёрловчи:**

*Дилноза Муйидиновна Жамолова  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

Китоб БухДУ Илмий-техник Кенгашининг 2021 йил 29 сентябрдаги 1-йиғилиш қарори асосида нашрга тавсия этилган.



**ТАРИХ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР  
ФАРҲОД ҲАБИБОВИЧ ҚОСИМОВ  
(1941-2006)**

бугунги кунга қадар анъанага айланган, проф.Г.Н.Наврўзова раҳнамолигида давом этаётган Бухоро фалсафахонлиги (Иброҳим Мўминов ўқишлари)ни ташкил этиш жонбозлик кўрсатдилар.

Маълумки, Ф.Ҳ.Қосимов эксперт сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш, мамлакатнинг Олий аттестация комиссиясини тузишда иштирок этган. Шу билан бирга, марказ номидан Нукус шаҳрининг 60 йиллигини нишонлаш, Имом Ал-Бухорий халқаро жамғармасини тузишда иштирок этди.

1993 йил июн ойида Самарқанд университети битирувчиси сифатида марказ кенгаши раиси Ф.Ҳ.Қосимов ва марказ ходимлари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Самарқанд филиали очилишига жалб этилди.

1993 йил сентябрь ойида буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланди. “Навқирон Бухоро” гуманитар тадқиқотлар маркази юбилейга шарқ мутафаккирлари асарларининг форс тилидан ўзбек тилига таржималарини рисола сифатида чоп этди.

1994 йил июл ойида Тошкентда Konrad Аденауер жамғармаси билан “Навқирон Бухоро” гуманитар тадқиқотлар маркази ҳамкорликни йўлга қўйди, юртимиз тарихига оид тадбирлар амалга оширишга киришилди. Бу анъана бугунги кунда қадар давом этмоқда.

1995 йил январь ойида “Навқирон Бухоро” гуманитар тадқиқотлар маркази Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партиясининг биринчи таъсис қурултойини ўтказиш, партия низоми ва дастурини ишлаб чиқиш, “Адолат”газетаси учун материаллар ёзиш билан шуғулландилар.

1995 йилда “Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди. Ф.Ҳ.Қосимов жамғарманинг вилоят филиалини яратишда, “Амир Темур ва Бухоро” тўпламини нашр этишда фаолияти диққатга сазовордир. Шунингдек, устоз фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган 33 жилдлик “Хотира” китобини нашр этишда маслаҳатчи сифатида иштирок этадилар.

Устоз Фарҳод Қосимовнинг ўтган асримизнинг 90-йиллар биринчи ярмидаги қизгин фаолияти, илмий изланишлари Шариф шаҳримизнинг 2500 йиллик тўйини ўтказишга замин тайёрлади, кенг илмий жамоатчиликни жалб қилишга туртки бўлди.

Инсон учун ҳаётда бир умр ўз эътиқодига содиқ бўлиб қолишдан улуғроқ бахт йўқ. Инсон учун ҳаётда ўзи севган касбу корнинг устаси бўлиб, бутун умр элу юрт хизматида бўлмоқдан тўқисроқ саодат йўқ. Инсон учун ҳаётда ҳалол-покиза умргузаронлик қилиб, аҳли оиласининг покиза ҳалқумига ҳаром юқтирмай, азиз бошини баланд тутиб яшаб ўтишдан аълороқ неъмат йўқ. Марҳум профессор Фарҳод Қосимов ана шундай толеи кулган инсон эди. Яратган Эгам барча ўтган устозларимиз, азизларимиз қаторида у кишини ҳам ўз раҳматига олсин, жойларини жаннатда қилсин.

## **ФИДОЙИ ВА ЖОНКУЯР УСТОЗ**

***Болтаев Б.Б.***

*БухДУ, катта ўқитувчи*

Ф.Ҳ.Қосимов Бухоро Давлат университетида хизмат кўрсатган тарих фанлари доктори, профессор - бетакрор устоз, етакчи тарихшунос олим, фидойи раҳбар ва жонкуяр инсон эдилар. Шафқатсиз ўлим Ф.Ҳ.Қосимовни айни илмий ижодий фаолияти баракали бўлиб турган бир пайтда, фавқулодда, яъни кутилмаганда 2006 йил 10 декабрда орамиздан олиб кетди. Ф.Ҳ.Қосимов нафақат муаррих олим, жамоатчи раҳбаргина эмас, балки аҳил, бир-бирига меҳроқибатли, иззат-ҳурматли оиланинг сардори, ибрат олса арзугулик ота ва бобо бўлиб ҳаётда яшаб ўтганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Устознинг илмий ва раҳбарлик фаолияти Ўзбекистон тарихшунослиги маънавий хазинасини бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, Ф.Ҳ.Қосимов хоҳ талаба, хоҳ илмий-тадқиқотчи, хоҳ олим бўлсин унинг тадқиқотлари тарих фани соҳасида олиб бораётган илмий ишлари барча учун ўрнатқилишга, тақлид қилишга арзугулик инсон ҳам эдилар. У киши Бухорода яшаб

ижод қилган бўлсалар-да, вилоятлар ва илмий, маънавий марказларни боғлаб турувчи залворли бир занжир эдилар.

Устоз раҳбарлиги остида ҳимоя қилинган ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига расмий ҳамда норасмий ҳакамлик қилган эдилар. Республикамизнинг қайсиқим илм даргоҳида ёки олийгоҳида Ўзбекистон тарихшунослигига оид бирор – бир илмий тадқиқот яратилса, соҳанинг етук мутахассиси сифатида тарих фанлари доктори, профессор Фарход Ҳабибович Қосимов нигоҳидан ўтарди ва маъқуллагач илмий муомалага киритилар эди. Шу билан бирга бу инсон “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан илмий унвонлар ва даражаларга талабгорлардан қабул қилинадиган махсус имтиҳон комиссиясининг раиси, Бухоро вилояти “Тарихчилар жамияти”нинг раиси, Вилоят топонимика комиссияси ва БухДУ “Фахрийлар кенгаши”нинг раиси каби маъсул вазифаларда ишлади. Бундан ташқари, Ф.Ҳ.Қосимов маънавий жиҳатдан етук, замонамизнинг мутафаккир олими ҳам эди. Коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган шўролар даврида расмиятчилик юзасидан сиёсий лавозимларда ишладилар. Бироқ, замонасозлик қилиб, шўролар ҳокимиятининг синфийлик, партиявийлик ақидасига муте бўлмадилар. Тарихчи олим сифатида ҳамиша ҳақиқат тарафдори бўлиб рост сўзлар эдилар.

Устоз Ф.Ҳ.Қосимов Ўзбекистон тарихи бўйича саккиз жилдлик академик нашр тайёрланган республика етакчи олимлардан иборат муаллифлар жамоаси таркибига киритилган эдилар. Устознинг бундай самарали ва фидокорона меҳнатлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланган.

Бизлар талаба бўлиб юрган кезларимизда Ф.Ҳ.Қосимов “Қардош халқлар тарихи” кафедраси мудир эдилар. Бизларга “Россия ва Бухоро дипломатик муносабатлари тарихи” фанидан дарс берганларида биз талабалар мириқиб тинглар эдик. Қизиғи шундаки, у инсон ҳар бир талабанинг исми шарифини ёддан, хатосиз эслаб қолар ва адашмас эдилар, фан бўйича якуний баҳолашда барча талабаларга

Ойбек Рашидов. Устоз Фарҳод Қосимов асос солган Бухоро тарихшунослиги мактабининг пойдевори жуда мустаҳкам .....	106
Фаррух Темиров. Отам ва менга устоз эдилар.....	109
Бафоев Феруз Муртазоевич. “Навқирон Бухоро” гуманитар тадқиқотлар маркази кенгашининг биринчи раиси.....	115
Болтаев Б.Б. Фидойи ва жонкуяр устоз.....	118
Дилноза Жамолова. Илмга йўналтирган табаррук зот.....	120
Ш.Асадова. Тарихшунос Фарҳод Ҳабибович Қосимов.....	123